

Одамларни кулдириш учун ҳам ёлғон гапириш мумкин эмас



13:40 / 22.06.2019 3813

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз биз билан ҳазил-мутойиба қиласиз-ку» дейишди.

«Мен ҳақдан бошқани гапирмайман», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Яъни «Тўғри, ҳазил-мутойиба қиламан, бироқ ўша ҳазилим ҳам фақат ҳақ бўлади. Ноҳақ гапни гапирмайман», деганлар.

Демак, ҳазил-мутойиба шариатимизда бор экан, бироқ кулдираман деб, ҳазил экан деб, ёлғон, ноҳақ, бўлмағур гапларни гапириб бўлмайди.

Мусулмончиликдаги ҳазил ҳам ҳақиқатга асосланган бўлиши керак.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига улов сўраб келди. Шунда у зот:

«Бўпти, сени туянинг боласига миндириб қўямиз», дедилар.

«Туянинг боласини нима қиламан?» деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ахир туя туяни туғадими?» дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда нозик услуб ила ҳазиллашганлар. Улов сўраган кишига катта туя бермоқчи бўлганлар. Лекин беришдан аввал: «Сенга туянинг боласини бераман», деганлар.

У киши «туянинг боласи» деганда бўталоқни тушуниб, «Уни нима қиламан?» деб ҳайрон бўлганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ахир катта туя ҳам туянинг боласи бўлади-ку», деган маънода гап айтганлар.

Кўриб турибмизки, бу гап ҳақиқатдан четлашмаган ҳазил бўлган. Катта ёшли туя ҳам, албатта, туянинг боласи бўлади, бироқ ҳар доим «туянинг боласи» деганда бўталоқ тушунилади. Шунинг учун у кишининг хаёли бошқа ёққа кетган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу шаклда ҳазил-мутойиба қилган эканлар.

Бизда ҳазил деб айтиладиган маъно арабларда «мизоҳ» ёки «мазах» сўзлари билан ифода этилади. Аслида «ҳазил» сўзи ҳам арабча. Аммо араблар уни бошқалар билан бўлган сўзлашувда енгил ва беозор кулгили гап маъносида кам ишлатишади. Бизда эса аксинча, «мазах»ни бировни эрмак қилиш маъносида тушунилади.

Ҳазил дўст-биродар ва тенгдошлар орасида олиб бориладиган сўзлашувда енгил ва беозор кулгили гап маъносида бўлса, мандуб ҳисобланади. Албатта, бунда озор, зарар, ғийбат, масхара, айблашга ўхшаш нарсалардан четда бўлиш шарт қилинади.

Меъёридаги ҳазил-мутойибада меҳнат машаққатлари ва турли таъсирлардан бир оз енгиллашиш ҳамда хушвақтлик топиш бор.

Аҳли-аёли ва бола-чақаси билан ҳазил-мутойиба қилиш эса мусулмонларнинг шиори ва набийларнинг ахлоқидир.

“Ёлғон” китобидан